

Талаба қизлар ташаббуси

14 январь куни "Ер ресурсларини бошқариш" факультетининг фаол, иқтидорли талаба-қизлари ташаббуси билан нафақат факультетнинг профессор-ўқитувчилари ва талаба-йигитларини, бутун институтимизнинг профессор-ўқитувчилари, ҳурматли проректорларимиз ҳамда барча факультетларимиз деканларини ҳарбий либос кийиб табриклишди. Кечки вақт 1-талабалар тураг жойида факультет раҳбарияти ҳамда талаба-қизлари ташаббуслари билан талаба-йигитларимиз учун ажойиб байрам тадбири ташкиллаштирилди. Унда сўзга чиқсан факультет декани Ш.Нарбаев ҳамда ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова барча йигитларни байрам билан табриклишди. Тадбирда иқтидорли талабаларимиз томонидан ажойиб куй-кўшиклар янгради.



Тадбир жуда қизиқарли ва мароқли бўлиб ўтди. Биз ҳам сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалдан муборакбод этамиз. Сизларни ва оила аъзоларингизни, яқинларингизни бутун халқимиз томонидан кенг нишонланаётган шарафли байрамингиз билан қутлаймиз! Сизларга сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқлар тилаймиз.



ТИҚХММИ матбуот хизмати